Биография

Акбар Ахмедов



Акбар Ахмедов 1934 йилнинг 4 январида Тошкентда хизматчи оиласида дунёга келди. 1951 йил у Бўка районидаги ўрта мактабни битиргач, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетига ўқишга кирди. 1956 йил институтни имтиёзли диплом билан тамомлаб, ЎзССР Давлат-ўқув педагогика нашриётида редактор, 1959-60 йилларда эса ЎзФА Тил ва адабиёт институтининг фонетика секторида илмий ходим бўлиб ишлади. 1965 йил "Ҳозирги замон ўзбек тилида сўроқ гаплар" мавзусида кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

1964-65 йилларда ўриндошлик асосида Ўзбекистон КП МКнинг тарғибот ва ташвиқот бўлимига қарашли нашр ҳисобланган "Агитатор блокноти" журналида адабий ходим бўлиб ишлади.

1965-78 йилларда Тошкент давлат чет тиллари педагогика институтида ўриндошлик асосида ўзбек тилидан дарс берди.

1979 йилда олимнинг узоқ йиллар олиб борган илмий кузатишлари маҳсули сифатида "Ўзбек тилида гапнинг коммуникатив типлари" номли монографияси нашрдан чиқди. Бу китоб ўзбек тилида гапнинг функционал типлари – дарак, сўроқ, буйруқ ва ҳис-ҳаяжон гаплар тадқиқига бағишланган.

Умрининг охиригача ЎзР ФА Тил ва адабиёт институтининг "Ҳозирги замон ўзбек тили" бўлимида фаолият юритди. Сўнгги тадқиқот иши "Ҳозирги замон ўзбек тили синтаксиси қурилишининг ривожланиш қонуниятлари" номли ҳимоя қилиниши кутилаётган докторлик диссертацияси олимнинг вафоти туфали қўлёзма ҳолида тугатилмай қолиб кетди.

Асарлари:

1966	Ҳозирги ўзбек адабий тили (ҳаммуаллифликда)., Тошкент
1967	Нотиқлик санъати (рисола)., Тошкент, “Ўзбекистон”.
1968	Тил бойлиги., Тошкент.
1972	Тил – нотиқлик қуроли., Тошкент.
1976	Ўзбек тили грамматикаси., Тошкент Ўзбек тилининг имло луғати., Тошкент.
1992	Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси., Тошкент.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.